

---

## 15 октябрь - Халқаро қишлоқ аёллари куни

Маълумки, ҳар йили Халқаро қишлоқ аёллари куни бутун дунёда кенг нишонланади. Бинобарин, қишлоқ аёлларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаоллиги ортиб бораётгани жамиятда уларнинг меҳнати нечоғли қадрли ва аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Шу муносабат билан бугун Бағдод туманидаги “Ёшлар равнақи” фермер хўжалигида туман ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини, оила ва хотин қизлар бўлини, Ёшлар ишлари агентлиги, спортни ривожлантириш бўлини ҳамда маданият бўлини ҳамкорлигида туманимиз "оқ олтин" хирмонини яратишда ўзининг ҳалол ва машаққатли меҳнатлари билан катта ҳисса қўшаётган меҳнаткаш қишлоқ аёллари учун байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Қосимов сўз олиб, ҳозирда давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имкониятлар туфайли қишлоқ аёллари ҳам барча жабҳаларда фаоллик кўрсатаётганини таъкидлаб, ушбу сана муносабати билан самимий тилакларини билдириб ўтди.

Тадбирда 150 нафардан зиёд фаол теримчи аёллар иштирок этди. Туман маданият бўлимининг хушовоз хонандалари томонидан ижро этилган жозибали куй-қўшиқлар эса ушбу тадбирга ўзгача жозоба бағишлади.

Тадбир сўнгида ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва зиё улашувчи китоблар совға қилинди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-10-10 17:36:23